

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

349 Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат
кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг
33-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1923-1*

(2010 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1923, 2009 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 136-модда) билан тасдиқланган Юқумли касалликка чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 33-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқла-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

надиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 сентябрь,
173-сон

Келишилди:

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. РЎЗИЕВ

2010 йил 30 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 30 сентябрь

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 30 сентябрь